

Уйда садақадан бўлган бир ёмбини қолдириб чиққан эдим

08:25 / 19.01.2018 3368

Абу Сирваъа Уқба ибн Ҳорис розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Мадинада Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам орқаларида аср намозини ўқидим. У зот салом бердилар-да, одамлар елкасини оралаб, завжалари хонасига тезлик билан туриб кетдилар. Одамлар у зотнинг шошилганларидан хавфга тушишди. У зот (ҳужраи саодатдан) чиқиб, одамларнинг таажжубга тушганларини кўриб, «Ҳузуримизда ёмби борлиги эсимга тушиб қолди, у менда тўхтаб халақит беришини қариҳ кўриб, уни тақсимлаб юборишга амр қилиб чиқдим», дедилар».

Имом Бухорий ривоятлари.

Имом Бухорий бошқа ривоятларида: “Уйда садақадан бўлган бир ёмбини қолдириб чиққан эдим. Уни қолишини қариҳ кўрган эдим”, дейилган.

Изоҳ: Биз «ёмби» деб таржима қилган «тибр» сўзи ишлов берилмаган бир парча олтин ёки кумуш маъносини англатади.